

ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Музаффаров З.Қ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси,
доцент, подполковник.

ARTICLE INFO.

Аннотация

Калит сўзлар: Курсант, тингловчи, Олий ҳарбий таълим муассасалари, Ватанпарварлик ва фидоийлик, миллатлараро томутвлиқ, диний бағрикенглик, толерантлик, Ватанга садоқат, тарбия ва оммавий тадбирлар.


Уишу мақолада Олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсантлар ва тингловчиларнинг ватанпарварлик даражасини баҳолаш ва ватанпарварликни шакллантирувчи мезонлари ёритилган.

Курсант ва тингловчиларда мафкуравий иммунитет, миллий ифтихор, ўзликни англаш, ватанпарварлик туйғуларининг шаклланганлиги ва ривожланганлигини аниқлаш учун таълимтарбияни қуйидаги тизим асосида ташкил этиш самарали натижаларни беради:

- биринчидан**, тескари алоқани ўрнатиш – кўзланган ўқув-тарбиявий мақсадларга эришиш шакллари ва йўлларини таҳдил қилиш;
- иккинчидан**, мақсад ва вазифаларни белгилаш - жамоанинг тараққий қилиш истиқболларини, истиқболий режаларини аниқлаш;
- учинчидан**, тақсимот йўналиши-жамоа аъзолари ўртасида бурч ва вазифаларни тақсимлаш;
- тўртинчидан**, яратувчанлик йўналиши – катталарнинг ёшлар билан мулоқот қилишининг соғлом муҳитини таркиб топтириш;
- бешинчидан**, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш;
- олтинчидан**, мотивация ва рағбатлантириш йўналиши – ёшларнинг ҳамда мураббий-ўқитувчиларнинг таълим олиш ва таълим бериш фаолиятини рағбатлантиришни, ташки стимулларни адекват қабул қилишни назарда тутади. Тарбиявий жараёнда комилликка интилишни кучайтиради;
- еттингчидан**, назорат йўналиши – таълимий-тарбиявий жараёнда турли хил назорат турларини

ўтказиши назарда тутади, маънавий-маърифий жараён ҳолати тўғрисидаги ахборотга эга бўлишни билдиради.

Олий ҳарбий таълим муассасалари курсант ва тингловчиларининг ватанпарварлик даражасини баҳолашда қуидаги мезонларга таянилади (1- чизма):



Чизмадан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг билими, тарбияси, ватанпарварлигига намоён бўлади, уларнинг маънавий қиёфасини белгилайди.

Шу аснода ёшлар жамоасида ватанпарварликни шакллантириш ишлари методик жиҳатдан тўғри йўналтирилганда жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгига миллий истиқбол ғояларини сингдириш, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уларнинг ўзлигини англашлари, ватанпарварлик ва фидоийлик туйғуларини, бурчга садоқат, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, толерантликни шакллантиришда ҳамда комил инсонга хос бўлган фазилатларни: софдиллик, тўғрисўзлик, адолатпарварлик, саховатлилик, ор-номуслик, тантилик сифатларини таркиб топтиришда ижобий самараларга эришиш мумкин.

Мустақил, маърифий-маданий, адолатли ва инсонпарвар жамиятда ёш авлодни ҳар томонлама

етук, ахлоқли, одобли инсонлар сифатида камол топтириш, уларни ўз Ватанига садоқатли қилип тарбиялашда уларда қуйидаги хусусиятларни шакллантириш лозим:

- ижобий фазилатлар моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниш ҳамда таҳлил қилиш, шахсий муносабатини билдира олиш;
- жамоада яшаш, меҳнат қилиш малакаларини эгаллаш;
- баркамол инсон сиймосини идрок этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш методларини белгилаш. Бу сифатларни аудитория ва аудиториядан ташқари таълим шаклларида амалга ошириш мумкин (2-чизма).



2-чизма. Курсант ва тингловчиларда ватанпарварликни шакллантиришда аудиториядан ташқари тадбир турлари.

Оммавий тадбирлар тарихий саналарга, мамлакатимиз ва армиямиз ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишлиланган кечалар, олимпиадалар, экскурсиялар, китобхонлар конференциялари ва бошқалар киради.

Ҳар бир оммавий тадбирлар қатъий тайёрланган, аниқ мақсадга ва таълимий-тарбиявий вазифаларга эга бўлиши керак.

Гурӯҳий тадбирлар 15 – 20 нафар ёшларни ҳарбий, ҳарбий-техник ва ҳарбий-спорт секцияларда машғулотлар учун жамлайди. Тўгарак ва ҳарбий илмий жамият ишлари дастури ёшларнинг қизиқишиларини ва уларнинг ҳарбий хизматга тайёрлашнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак.

Индивидуал тадбирлар аудиториядан ташқари ишлар ҳар бир ёш курсантларнинг хусусияти, қобилияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда юритилади.

Ватанпарварлик тарбияси бўйича аудиториядан ташқари ишлар кўп тадбирларда мавжуд бўлсада, улардан машғулот раҳбарининг бевосита ўқув-тарбиявий ва ташкилотчилик фаолияти билан боғланган шакллари кенг таркиб топган. Буларга қуйидагилар киради:

- олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган юқори босқич талабалари билан ҳарбий, ҳарбий-техник тўгаракларни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;
- ҳарбий ватанпарварлик мавзусида видеофильмлар намойиш этиш;
- машғулот раҳбарининг секция ва гуруҳ командирлари билан машғулоти;
- ҳарбий ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида ўйинлар, викториналар, кўрик-танловлар, кечалар, китобхонлар конференциялари ташкил этиш ва ўтказиш;
- аскарларнинг ҳаёти ва турмуши билан, жанговар қуроллар ва ҳарбий техникалар билан танишиш

мақсадида ҳарбий қисмларда очиқ эшиклар кунини ташкил этиш;

- билим юртида ҳарбий-ватанпарварлик ишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш;
- билим юртида жанговар шуҳрат музейини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- ёшларни “Шунқорлар” ва “Ёш чегарачи” ҳарбий-спорт мусобақаларига тайёрлаш;
- билим юртининг собиқ битирувчилари, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик аълочилиари билан учрашувлар;
- чақи्रувга қадар бошланғич тайёргарлик курсини ўқитишининг якунига бағишлиланган байрамни ўтказиш;
- жасорат дарсларини ташкиллаштириш ва ўтказиш;
- ёшларни ЧҚБТ хонаси, отиш тири, ўқув майдончаларини жиҳозлашга ва ЧҚБТ бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлашга жалб этиш.

Инсоншунослик фанида “инсон-жамият”, “жамият-инсон” шаклида ўзаро таъсирни тақозо этар экан, биринчи ва иккинчиси ҳам тўғри, ҳам тескари алоқани ўрнатиши жоиз. Шу сабабли ёшларнинг ватанпарварлик даражасининг сифат кўрсаткичларини ўрганишда аудиториядан ташқари тадбирларда амалга оширилган тарбиявий ишларнинг аҳамияти салмоқли.

Олий ҳарбий таълим тизимида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларнинг ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш учун жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқ-атвор малака ва одатлари ҳосил қилинади. Бунга эришиш кезида ёшларнинг онгига (таълим жараёнида), хиссиётига (аудитория ва аудиториядан ташқари ишларда), иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқни идора қилиш жараёнида) тизимли ва мунтазам таъсир этиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта-маҳсус ва Халқ таълими вазирликларининг кўшма Қарори. 2018 йил 28 ноябрь
2. А.Сотволдиев. Мақола “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик мавсумий иш эмас” Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлигининг Марказий матбуот органи “Ватанпарвар” газетаси. 2014 й. 9-май, жума № 19 (2562).
3. Ўзбекистон Республикаси Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув фани дастури.